



**ЎЗБЕКИСТОН РЕСПУБЛИКАСИ**  
**ОЛИЙ ВА ЎРТА МАХСУС ТАЪЛИМ ВАЗИРЛИГИ**  
**АНДИЖОН ДАВЛАТ УНИВЕРСИТЕТИ РЕКТОРИНИНГ**  
**БҲЙРУҒИ**

2019 йил “ 5 ” июнь

02-194

Андижон шаҳри

**2019/2020 ўқув йилида “Олий таълим муассасасининг энг яхши педагоги” танловининг Андижон давлат университети босқичини ўтказиш тўғрисида**

“Таълим тўғрисида”ги Ўзбекистон Республикасининг Қонунига мувофиқ, Юқори малакали педагогларни аниқлаш ва рағбатлантириш, педагогик фаолиятнинг нуфузини янада ошириш, таълим ва тарбия соҳасидаги инновация технологияларини кенг оммалаштириш, педагогик фаолиятда соғлом рақобат ва ижодкорлик муҳитини яратиш, олий таълим тизимидаги профессор-ўқитувчиларнинг касбий ўсиши ва маҳорати ошишини рағбатлантириш ва Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамасининг 2015 йил 24 февралдаги “Олий таълим муассасасининг энг яхши педагоги” танлови тўғрисидаги Низомни тасдиқлаш ҳақида”ги 32-сонли қарори ижросини таъминлаш ҳамда танловнинг Андижон давлат университети микёсида юқори савияда ўтказилиши учун амалий чора-тадбирларни белгилаш мақсадида

**Б У Ю Р А М А Н**

1. Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамасининг 2015 йил 24 февралдаги 32-сонли қарори билан тасдиқланган “Олий таълим муассасасининг энг яхши педагоги” танлови тўғрисидаги Низомга мувофиқ университетда 2020 йилнинг 15 июндан 17 июль кунларига қадар тегишли соҳалар бўйича “Мутахассислиги бўйича энг яхши педагог”, “Энг яхши педагог-тадқиқотчи” ва “Инновация ва ахборот технологияларини қўллайдиган энг яхши педагог” номинациялари бўйича танловнинг университет босқичи ўтказилсин.

2. Танловни кўтаринки руҳда ўтказилишини таъминлаш учун комиссияси таркиби 1- ва 2-иловаларга мувофиқ тасдиқлансин.

**3. Ўқув ишлари бўйича проректор А.Ш.Маматюсуповга:**

3.1. Танловнинг Андижон давлат университетидаги босқичи ахборот таъминотини ташкил қилиш;

3.2. Танлов иштирокчиларидан аризалар ва ҳужжатларни 2020 йилнинг 15 июндан 25 июнь кунига қадар қабул қилиш;

3.3. Танлов иштирокчилари тақдим этган ҳужжатларни 2020 йилнинг 26 июндан 2 июль кунига қадар кўриб чиқиш;

3.4. Танлов иштирокчиларининг мутахассисликларидан келиб чиқиб, ихтиёрий фанлардан маъруза машғулотларини “ZOOM” дастури орқали ташкил этиш ва сифатини 2020 йилнинг 3 июлдан 10 июль кунига қадар баҳолаш;

3.5. Танлов иштирокчилари тақдим этган ҳужжатлар тўпламини ва ўтказилган маъруза машғулотларини “ZOOM” дастури орқали сифатини баҳолаш натижаларини 2020 йилнинг 11 июлдан 14 июль кунига қадар умумлаштириш;

3.6. Танловнинг номинациялар бўйича Андижон давлат университети босқичи ғолибларини 2020 йилнинг 15 июлдан 17 июль кунига қадар аниқлаш;

4. **Факультет деканлари ва кафедра мударларига:** 2020 йилнинг 15 июндан 25 июнь кунига қадар камида 3 йил тўлиқ меъёр бўйича фаолият юритаётган, ёши, илмий даражаси ва унвонидан қатъий назар, бакалаврият ёки магистратура таълим дастурлари бўйича курслардан бирида (лекция, семинар, амалий ёки лаборатория) машғулотлари олиб бораётган, штатли педагогларнинг ҳужжатларини танлов комиссиясига тақдим этсинлар.

5. **Танлов комиссияларига:** ҳужжатлар тўпламини ва ўтказилган ихтиёрий фанлардан маъруза машғулотларни “ZOOM” дастури орқали сифатини баҳолаш натижаларини ҳисобга олган ҳолда, 2020 йилнинг 17 июль кунига қадар ҳар бир номинация бўйича ғолиблар (1, 2, 3-ўринларни) аниқлансин.

6. **Бош ҳисобчи А.Махмудовга:** кўрсатилган номинациялар бўйича 1, 2 ва 3-ўринларни эгаллаган Танлов иштирокчилари олий таълим муассасасининг фахрий ёрлиғи ҳамда тегишли равишда, эгаллаб турган лавозимига кўра штат бўйича маошининг 1; 0,75 ва 0,5 коэффиценти миқдордаги пул маблағлари билан моддий рағбатлантирилиш юклансин.

7. Ушбу буйруқ ижросининг назорати ўқув ишлари бўйича проректор А.Ш.Маматюсупов зиммасига юклатилсин.



**А.Юлдашев**

Андижон давлат университети ректорининг  
2020 йил 5-июндаги 02-194-сонли буйруғига  
1-илова

**“Андижон давлат университетининг энг яхши педагоги”  
танловини ўтказиш бўйича ишчи гуруҳ**

**ТАРКИБИ**

1. А.С.Юлдашев, ректор – танлов комиссияси раиси;
2. А.Ш.Маматюсупов, ўқув ишлари бўйича проректор – танлов комиссияси раиси ўринбосари;
3. Б.М.Расулов, илмий ишлар ва инновациялар бўйича проректор – танлов комиссияси раиси ўринбосари;
4. А.Ш.Ҳамракулов, ёшлар билан ишлаш бўйича проректор – танлов комиссияси раиси ўринбосари;
5. М.К.Ботиров, ходимлар ва талабалар касаба уюшмаси қўмитаси раиси, аъзо.

Андижон давлат университети ректорининг  
2020 йил 5-июндаги 02-194-сонли буйруғига  
2-илова

**“Андижон давлат университетининг энг яхши педагоги” танловининг  
“Мутахассислиги бўйича энг яхши педагог” номинацияси бўйича комиссияси**

**ТАРКИБИ**

1. М.Тўраев –Педагогика факультети декани–комиссия раиси;
2. М.Артиқова, Мактабгача педагогика кафедраси мудир, аъзо;
3. В.Воситов, Инглиз тили ва адабиёти кафедраси мудир, аъзо.

**“Андижон давлат университетининг энг яхши педагоги” танловининг  
“Энг яхши педагог-тадқиқотчи” номинацияси бўйича комиссияси**

**ТАРКИБИ**

1. Н.Тўхтабоев, Табиий фанлар факультети декани–комиссия раиси;
2. З.Раимжонов, Француз тили ва адабиёти кафедраси мудир, аъзо;
3. Х.Тўхтаўжаев, Жисмоний маданият назарияси ва методикаси кафедраси мудир, аъзо.

**“Андижон давлат университетининг энг яхши педагоги” танловининг  
“Инновация ва ахборот технологияларини қўллайдиган энг яхши педагог”  
номинацияси бўйича комиссияси**

**ТАРКИБИ**

1. М.Махкамов, Физика-математика факультети декани–комиссия раиси;
2. А.Медатов, Информатика ўқитиш методикаси кафедраси мудир;
3. Р.Қодиров, География кафедраси мудир.

Ректор:



А.Юлдашев